## ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

# ФЕРМАЛАРДА КЎРИК, СЕМИНАР, РЕЙД

Бугунги кунда чорвачилик қишлоқда зарбдор фронтдир. Шу кеча-кундузда барча хўжаликларимиздаги ғоявий-сиёсий, тарбиявий ишлар маркази фермаларга кўчган.

Қишлов арафасида район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими чорвачилик фермаларида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни белгилаб чиққан эди. Тадбирлар комплексида чорвачилик фермалари ходимлари билан бир қаторда райондаги маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси, район матлубот жамияти, район маданият уйи ходимлари олдига ҳам конкрет вазифалар қўйилди. Тадбирларга асосан фермаларда қизил бурчаклар, дам олиш хоналари, социалистик мусобақа ҳамда санитария-гигиена бурчаклари ташкил этилди. Район «Билим» жамияти томонидан лекторлар, агитколлективларнинг чиқишлари уюштирилмоқда. Медицина ходимлари барча чорвачилик фермаларида медицина кўригини ўтказмоқдалар. Яқинда Навоий номли колхоз чорвадорлари ҳам худди шундай саломатлик кўригидан ўтдилар.

Меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш масалалари район партия комитетининг бюросида, пленумларида, халқ депутатлари район Советининг сессияларида мунтазам равишда муҳокама қилиб турилибди. Чунончи, яқинда «Ленинобод» колхозининг чорвачилик фермасида бўлиб ўтган семинарда биз чорва қишлови даврида чорвадорлар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш, социалистик мусобақани яхши йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқдик. Семинарда хўжаликлар партия ташкилотлари секретарлари, чорвачилик фермалари цех партия ташкилотлари секретарлари ҳамда колхоз-совхоз касаба союз комитетлари раислари қатнашди. Семинар иштирокчилари колхоз чорвадорлар уйи қандай жиҳозланганлиги билан яқиндан танишдилар.

### ПАРТИЯ ТУРМУШИ: РАЙКОМ ВА ЧОРВАЧИЛИК

Шундан сўнг бундай уйлар ҳар бир колхоз-совхоз чорвачилик фермасида ташкил этилди.

Район партия комитети ҳузурида ташкил қилинган агитбригада чорвадорлар ўртасида катта тарбиявий ишлар олиб бормоқда. Бригада составида партия, совет ходимлари, маъмурий органларнинг вакиллари, савдо ташкилотлари ва маиший хизмат корхоналарининг мутахассислари бор.

Биз ҳар бир фермага идеология ходимлари активидан вакиллар бириктирганмиз. Улар ҳафтада икки марта фермада бўлиб, оммавий-сиёсий ишларнинг қандай олиб борилаётганлиги билан танишадилар, бу ишни ҳар томонлама яхши йўлга қўйишда цех партия ташкилотлари секретарларига кўмаклашадилар.

Уларнинг актив ёрдами туфайли ҳар бир фермада дам олиш хонаси ташкил этилди, газета-журналлар, телевизор, радио, шахмат-шашка билан таъминланди. Кунига бир марта иссиқ овқат ташкил қилиняпти. Тунги навбатчилик йўлга қўйилди. Кўргазмали агитация воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Қишловнинг бориши район «Мўл ҳосил учун» газетасида ҳамда маҳаллий радио орқали кенг ёритилмоқда. Илғорлар тажрибаси оммалаштирилиб, ишда қолоқликка йўл қўяётганлар кескин танқид қилинмоқда. Бунга Охунбобоев номли, Ҳ. Олимжон номли, «Ленинизм» колхозларида чорва қишловининг кўнгилдагидек бормаётганлиги ҳақидаги рейд материалларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Рейд якунларини район партия комитети бюросида ҳам кўриб чиқдик. Фермаларда оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни яхши йўлга қўймаган Охунбобоев номли колхоз партия комитети секретари А. Юнусовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ хайфсан берилди. «Ленинизм» колхози партия комитети секретари А. Умиров қаттиқ огоҳлантирилди.

Фермалардаги чорвадорлар хонасини безашда жуда кўп нарсаларга эътибор бермоқдамиз. Ҳар бир сут соғувчининг мажбурияти ўзининг портрети билан рамкага солиниб, осиб қўйилган. Мусобақа ғолибларининг суратлари улар эгаллаган ўринларга қараб қўйилмоқда.

Кўргазмали агитациянинг бошқа воситаларидан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу тадбир иш кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Районда гўшт, тухум сотиш йиллик топшириқлари ортиғи билан бажарилди. Ҳадемай, сут етиштириш плани ҳам бажарилади. Декабрь ойида барча имкониятларни ишга солиб, илгари йўл қўйилган хатоларни тугатишга ҳаракат қиляпмиз.

«Белгиланган ҳамма режаларни амалга ошириш соҳасидаги аниқ ва собитқадам ишни ташкил этиш вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда, — деб уқтирди ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида сўзлаган нутқида.— Масала шу тарзда қўйилмоқда: план сўзсиз бажарилиши, имконияти ва зарурати бўлган жойларда эса ошириб бажарилиши керак». Бу талабга жавобан районда кўп ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кўзбўямачилик, қўшиб ёзишларга қарши курашда муайян натижаларга эришмоқдамиз. Тарбиявий ва идеология ишларини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш бундан буён ҳам бош вазифамиз бўлиб қолаверади. Район партия ташкилотлари, идеология ходимлари бутун хўжалик ва ғоявий-сиёсий ишларни тубдан яхшилаш учун тинмай ҳаракат қилаверадилар.

**С. ЙЎЛДОШЕВА,**
**Оққўрғон район партия комитетининг секретари.**

# МЕНИНГ БИР КУНИМ

КАСБИМ тақозоси билан ҳар куни эрталаб роппа-роса соат 4да тураман. Ювиниб кийингунимча кўчада ҳамкасбим Р. Тинебоеванинг овози эшитилади: у мени ишга чақириб келади. Баъзида бунинг акси бўлади: уни мен чақираман.

Ферма уйимизнинг ёнгинасида. Ўн уч соғувчининг ҳаммаси деярли бир кўчада яшаймиз. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти иш кунимиз эрта бошланишини ҳисобга олиб, бизга ферма яқинида қурилган уйлардан беришган. Ҳаммамиз кўчани тўлдириб гурунглашганча бир зумда фермага етиб келамиз. Сўнг ҳамма ўз юмуши билан банд бўлади.

Мен, аввало, ўзимга бириктилган 18 бош соғин сигирни бир карра кўздан кечираман. Эрталабки соғин соат бешдан еттигача давом этади. Сўнгра лаборант М. Тезекшиев сутнинг сортини, ёғлилигини текшириб, қабул қилиб олгач, ким қанча сут топширганлигини эълон қилади. Сутдан бўшаган идишларни иссиқ сув билан ювиб, иккинчи соғин учун тахт қилиб қўямиз. Шу орада сигирларнинг кундалик рационини кўздан кечириб қўяман. Фермада сигирларга ем-хашакни, асосан молбоқарлар тарқатишади. Лекин шунга қарамасдан ҳар 2—3 кунда сигирларни боқишда кундалик рационга амал қилишяптими, йўқми — текшириб кўриш фойдадан ҳоли эмас. Туғруқхона бўлимига кириб, ўзимга қарашли сигирлар ва бузоқларнинг ҳолидан хабар оламан. Янги туққан сигирлар қандай парвариш қилиняпти, бузоқчалар совқотиб қолмаяптими? Ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш одат бўлиб қолган. Бу ишларга улгургунимча соат ҳам 9—10 га яқинлашиб қолади. Шундагина уйга кетаман. Чой ичиб бўлгач, уй юмушлари билан шуғулланаман, болаларга қарайман.

Иккинчи соғин соат 12 да бошланиб, 2 гача давом этади. Мен фермага боргунимча шогирдим Б. Ирисмонова сигирлар парвариши билан банд бўлади. Учинчи соғин эса кеч соат 6 да бошланади.

### ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНГРАД» СОВХОЗИНИНГ СУТ СОҒУВЧИСИ А. ГАСАНБЕКОВА БИЛАН СУҲБАТ

Совхозимизда чорвачилик йил сайин юксалиб бораётир. Давлатга пландаги 50 тонна ўрнига 87 тонна гўшт етказиб бердик. Шу кунгача 640 тоннадан ортиқ сут топшириб, йиллик планни муддатидан илгари бажардик. Чорвадорларимиз озуқа базасини мустаҳкамлаш, қишловга жиддий тайёргарлик кўриш учун астойдил меҳнат қилдилар. Сигирларни қишда ҳам ем-хашакка тўйдириб, ёздагидек кўп сут соғиб олиш чоралари кўрилди. 1800 тонна силос, 1600 тонна сенаж бостирилди, 555 тонна беда пичани, 450 тонна озуқа лавлагиси тахт қилиб қўйилди.

Фермамиз 1974 йилда «Тошкент» совхози фермасидан ажралиб чиққан пайтда жами 116 бош қорамол бор эди, холос. Ҳозир қорамоллар 616 бошга, шу жумладан сигирлар 280 бошга етди.

Фермада Қизил бурчак мунтазам ишлаб турибди. Биз дам олиш пайтларида телевидение кўрсатувларини томоша қилиб, радиоэшиттиришларни тинглаймиз. Шунингдек, ҳар ҳафтада бир марта кинофильм ҳам қўйиб беришади. Район соғлиқни сақлаш бўлимининг ташаббуси билан мутахассис врачлар график бўйича лекция ва суҳбатлар ўтказадилар. Куни кеча колхоз партия ташкилоти секретари А. Иброҳимов ферма ходимларини КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми материаллари билан таништирди.

Мен Пленум қарорларига жавобан бу йил қорамоғимдаги ҳар бош сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб олишга сўз бердим.

Биз соғувчилар ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаймиз. Мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб, биринчи ўринга 40 сўм, иккинчи ўринга 25 сўм ва учинчи ўринга 15 сўм миқдорида мукофот берилади. Энг илғор соғувчи шарафига байроқ кўтарилади. Менинг мусобақадошим Р. Тинебоева, комсомол-ёшлардан Б. Ирисмонова, С. Чиркитбоева кабилар илғорликни қўлдан бермаётирлар. Районимиз сут соғувчиларининг конкурсида мен ва ҳамкасбларим В. Соколова, С. Полкова, Р. Тинебоевалар қатнашиб, 1-разрядли сут соғувчи номини олиб қайтдик.

Бизнинг бўш вақтимиз деярли йўқ эканлиги ҳисобга олиниб, вақти-вақти билан фермага автолавка келиб туради. Ун, ёғ каби маҳсулотлар буюртмамизга асосан ҳар икки ҳафтада олиб келинади.

Бироқ чорвачиликни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, бизда сут юз фоиз қўлда соғилади. Ҳолбуки, «Волга—100» сут соғиш аппарати мавжуд. Лекин ишлатолмаймиз. Сабаби —бизда сув масаласи чатоқ. Ҳатто ичимлик суви ҳам ташиб келтирилади. Агар сут соғиш аппаратларидан фойдалансак, уларни ювиб тозалаш учун сув етишмайди. Бу ҳақда бир неча марта совхоз директори Ғ. Валиев ва бош зоотехник В. Абдумаликов ўртоқларга мурожаат қилдик. Уларнинг елиб-югуришлари туфайли фермага водопровод крани ўрнатилди, лекин ҳали сув келганича йўқ. Бундан ташқари икки сменали соғинга ўтиб ишлашни жуда орзу қиламиз. Сабаби соғувчилар учун бир кунда уч маҳал сигир соғиш оғирлик қилади. Агар яқин вақт ичида фермага водопровод суви келтирилса, бу орзумиз ҳам ушалиб, оила-рўзғор ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланишимиз учун вақтимиз етарли бўларди.

**Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Г. ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.**







**✦ БЕКОБОД районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан муҳим тадбирлар белгилаган эдилар. Айни кунларда ана шу тадбирлар асосида иш юритиб, қиш даврида ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни асло камайтирмасликка ҳаракат қилмоқдалар.**

**СУРАТЛАРДА: (юқорида) хўжаликнинг илғор молбоқари Эгамберди Умаров; (ўнгда) колхоз бош ветеринария врачи Н. Мамадалиев (чапдан), товуқбоқар А. Бўриев ва бош зоотехник К. Бегматов; (пастда) озуқа цехи ходимлари М. Раҳмонов ва М. Алламуродов ўртоқлар.**

**В. Портнов** фотолари.

## ОЛИМЛАР ТАВСИЯСИ

Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари, картошка илмий тадқиқот институтининг олимлари пиёз парваришлаш индустриал технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу технология пиёз етиштиришда қўл меҳнатини анча камайтиришга имкон беради.

Янги технология экиш схемасини ўзгартиришни кўзда тутади. Пиёз қатор оралари 60 сантиметр қилиб жойлаштирилади. Бу схемада машина-ускуналардан фойдаланиш қулай бўлади. Олимлар бегона ўтни йўқотиш учун гербициддан фойдаланишни тавсия этмоқдалар.

Пиёз етиштиришни механизациялаш натижасида гектар бошига 155 центнер — одатдагидан анча кўп пиёз олиш мумкин бўлади.

**(ЎзТАГ).**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ЗЎР ЭЪТИБОР

АНҚАРА. (ТАСС). Туркия матбуоти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновнинг Туркияга қилган расмий визитига зўр эътибор бермоқда.

Нуфузли «Миллиёт» газетаси икки мамлакат ҳукуматлари бошлиқлари ўртасида Анқарада ўтказилаётган музокараларни СССР билан Туркия ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни ривожлантиришда янги босқич, деб атамоқда. «Совет-Туркия иқтисодий ҳамкорлиги,— деб ёзади газета,— Туркия республикаси эълон қилинган дастлабки кунларданоқ фақат ижобий натижалар берди. Мамлакатимизда Совет Иттифоқининг ёрдами билан барпо этилган саноат корхоналари бунинг далилидир».

Етакчи газеталардан бири — «Жумхурият» газетаси Н. А. Тихоновнинг Туркияга визити иккала мамлакатнинг узоқ муддатли асосдаги самарали алоқаларини янада ривожлантиришга, Туркия билан СССРнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик соҳасидаги мавжуд ижобий тажрибасини кўпайтиришга кўмаклашади, деб ёзади.

## «ЧАЙКА» ТАКЛИФ ЭТАДИ

● ПРАГА. Совет моллари сотиладиган «Чайка» магазини прагаликларга ва Чехословакия пойтахтининг меҳмонларига бутун йил давомида ўзининг хилма-хил моллари билан қувонч бағишламоқда. Янги йил арафасида Совет Иттифоқи халқларининг анъанавий совғалари, болалар ўйинчоқлари, транзистор приёмниклари, фотоаппаратлар, чинни идишлар ва сопол буюмлар ғоят манзур бўлмоқда.

(ТАСС).

## БОСҚИНЧИЛАРНИНГ БЕБОШЛИКЛАРИГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИКЛАР

БАЙРУТ. (ТАСС). Жанубий Ливан бўйлаб исроиллик босқинчиларнинг бебошликларига қарши оммавий норозилик намойишлари ва митинглари бўлиб ўтди. Кўпгина шаҳарларда уюштирилган намойишларнинг қатнашчилари босқинчилар мамлакатнинг босиб олинган ҳамма районларидан батамом ва сўзсиз олиб чиқиб кетилсин, деб қатъий талаб қилдилар.

Олинаётган хабарларга кўра, алоҳида қаттиқ режимдаги Ансор қамоқ лагерида махбуслар эълон қилган очлик давом этмоқда. Улар маъмуриятдан шафқатсиз қийноқ ва ҳақорат қилиш тўхтатилсин, деб талаб қилмоқдалар.

Исроиллик жазо отрядлари аҳолининг қаршилигини букиш мақсадида Жанубий Ливаннинг кўпгина аҳоли пунктларини қуршаб олиб ялпи тинтув ўтказдилар. Ўнлаб кишилар ушланиб фаластинлик қочоқларнинг Айн Ал-Хилва лагерига ташланди.

Ватанпарварлар оккупация режими қаттиқлашганлигига қарамай, агрессорларга зарбалар бериш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланмоқдалар. Ливан радиосининг хабар беришича, ватанпарварлар кейинги 24 соат ичида икки марта муваффақиятли операция ўтказдилар. Шу операциялар давомида босқинчилар аскар ва техникадан талафот кўрдилар.

## ПОКИСТОНДА ҲУКУМАТГА ҚАРШИ МИТИНГ ВА НАМОЙИШЛАР

ЛОНДОН. (ТАСС). Полиция кўрган чораларга ва оппозициянинг кўпгина бошлиқлари қамоққа олинганига қарамай, бутун Покистон бўйлаб ҳукуматга қарши митинг ва намойишлар тўлқини авж олиб кетди. Демократияни қайта тиклаш учун кураш ҳаракати уюштирган ана шу намойишлар давлат асосчиси Муҳаммад Али Жинна хотираси кунига бағишлаб ўтказилди.

Рейтер агентлигининг хабар қилишича, Исломобод, Карочи, Лохур, Мултам ва бошқа шаҳарларда сўзга чиққан нотиқлар ҳарбий маъмуриятни ўтган ҳафтада бўлган «референдум» чоғида овозларни сохталаштиришда айбладилар ва генерал Зиёул Ҳақнинг давлат бошлиғи лавозимидан кетишини талаб қилдилар. Ахборот агентликларининг хабарларига кўра, мамлакатнинг энг йирик шаҳри Карочида митинг: «Демократия учун кураш давом эттирилади», «Генерал Зиёул Ҳақ йўқолсин», «Йўқолсин Америка империализми»,— деган шиорлар остида ўтди.

Покистоннинг ҳарбий диктатори ҳукуматга қарши ғалаёнлар кучайиб бораётганлигидан қути ўчиб оппозицияни хотиржам қилишга уриниб кўрди. У Лохурда ўтказилган митингда сўзга чиқиб, оппозициядаги партияларнинг бошлиқларини ўзи билан музокаралар олиб боришга даъват этди, аммо мамлакатдаги ҳаётни демократлаштириш тўғрисида уларга ҳеч қандай конкрет ваъдалар бермади.

## ТУРКИЯ ҲУКУМАТИГА ТАЗЙИҚ ЎТКАЗИЛМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС). «Монд» газетасининг хабар беришича, Қўшма Штатлар Туркия ҳукуматига тазйиқ ўтказишга уринмоқда. Иқтисодий соҳада, шунингдек ҳарбий соҳада тазйиқ ўтказилмоқда, деб ёзади газета дипломатия манбаларига асосланиб. Американинг «тез ҳаракат қилувчи кучлари» Туркиянинг шарқий қисмида жойлашган аэродромлардан фойдаланиш ва Форс кўрфази районида ҳарбий операцияларни амалга ошириш масаласида Туркия ҳукумати қатъий позицияни эгаллаб турибди, деб уқтиради шу муносабат билан «Монд» газетаси. Анқара ҳар қандай ҳолатда ҳам НАТО фаолияти доирасидан ташқарига чиқувчи операцияларга тайёргарлик кўриш учун ўз территориясини АҚШ қуролли кучлари ихтиёрига бериб қўйиш ниятида эмас, деб таъкидлайди газета.



**✦ БУНДАН бир йилдан кўпроқ вақт илгари Гренадани босиб олган Америка ҳарбийлари кичкинагина оролдаги бу давлатда «янги тартиб» ўрнатишди. Ҳозирги кунда Гренада улкан қамоқхонани эслатади. Аммо босқинчилар Гренада халқининг иродасини бука олмади. Эрксевар халқ мамлакат Америка қўшинлари томонидан оккупация қилинганлигига қарши қатъий норозилик билдирмоқда. Суратда: Америка солдатлари Сент-Жоржес кўчаларида патруллик қилмоқдалар.**

ТАСС фотохроникаси.

# ЯНА 40 МИНГ МЕТР

4-УЧАСТКА 1- тўқув фабрикасидагина эмас, балки Тошкент тўқимачилик комбинати коллективлари орасидаги пешқадам бўлинмаларнинг бири ҳисобланади. Ундаги иккита бригада тўқувчилари фидокорона меҳнати эвазига ҳар йили зиммага олинган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан адо этмоқда.

Республика юбилейи нишонланган бу қутлуғ йилда ҳам коллектив тўқувчилари ҳар йилгидек унумли меҳнат қилмоқдалар. Улар ишлаб чиқаришнинг прогрессив усули — бригада пудрати асосида бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, юқори натижаларни қўлга киритишмоқда.

Ойлик кўрсаткичлар 110 процентдан кам бўлмаяпти. Айниқса, кўпстанокчилик ҳаракати издошларининг бири — Жўрабек Тўйчибоев бошчилик қилаётган коллектив ишчилари эришаётган муваффақиятлар қувончли бўлмоқда. Унда меҳнат қилаётган Маргарита Гибадуллина, Лариса Алексеева, Гули Усмонова ва Жамила Эришова сингари ишлаб чиқариш илғорларининг ғайрат-шижоати туфайли участка коллективи йил мобайнида бир неча бор ўзаро мусобақа ғолиблари сафидан жой олди. Белгиланганидан 8—10 та кўп тўқув дастгоҳларини бошқараётган бундай ишчилар сони ҳам кўпайди. Бу туфайли участка коллективи йиллик топшириқларни муддатидан барвақт адо этиб, 1985 йил ҳисобига маҳсулот топширишга киришди. Уларнинг шу кунгача ишлаб чиқарган маҳсулотлари 330 минг метрдан ортиб кетди. Зиммадаги топшириқларни шараф билан адо этган коллектив тўқувчилари йил охирига қадар яна 40 минг метр юқори сифатли газлама ишлаб чиқарадилар.

**З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА.**

# ЛАЗЕР ЯРАТАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ўзбекистонда квант электроникаси — лазерларнинг назарий асослари ривожлана бошлаганига 20 йил бўлди. Нур таратувчи биринчи ёқутли лазер Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг физика-техника институтида 1966 йили ишга туширилган эди. Ўшандан буён бу соҳа республикамизда жадал ривожланиб, физика фанида янги йўналишларнинг шаклланишига олиб келди.

Лазерларнинг вужудга келиши оптик алоқанинг хилма-хил системаларини ишлаб чиқиш имконини берди. Лекин кўп ўтмай, лазер алоқа йўлининг очилиши зарур даражадаги ишончликни таъминлай олмаслиги маълум бўлиб қолди. Оби-ҳаво омиллари, хусусан ҳароратнинг кўтарилиб-пасайиб туриши, ҳаво оқимлари, чанг ва ҳоказолар оптик сигналнинг тарқалишига халақит бериши аниқланди. Шу муносабат билан электр симининг оптик муқобилини яратиш масаласи кун тартибидан ўрин олди. 60-йилларнинг ўрталарига келиб шиша толали ёруғлик ўтказгичлардан бу мақсадда фойдаланиш мумкинлиги тадқиқ қилинди. Шу тариқа электромагнит тўлқинларини тарқатишнинг анъанавий воситалари — мис симлардан янги воситаларга — алоқанинг тола оптикаси йўлига ўтиш кашф этилди. Ўта шаффоф материаллар, жумладан кварц олиш технологияси соҳасида эришилган ютуқлар оптик кабеллар яратиш имконини берди.

Толали ёруғлик ўтказгичлар бир қарашда соддадек туюлгани билан ниҳоятда қизиқ объектдирки, унда жуда хилма-хил оптик алоқа йўлларида фойдаланиш истиқболи мавжуд. Ёруғлик ўтказгич орқали ўнлаб телевидение каналлари кўрсатувини ташкил этса бўлади. Ҳозирги вақтда Москва, Ленинград ва Горький шаҳарларида толали ёруғлик ўтказгичларда тажриба йўсинидаги телефон алоқалар линияси ишлаб турибди.

Ёруғлик ўтказгични қўллашнинг оддий ҳоллари — кўриш қийин бўлган жойларни (масалан, ёнув двигателлари камерасининг ичини) автомобиль ҳамда самолётлардаги асбоб шчитларини ёритиш ва кузатишдир. Бундай ўтказгичлар медицина эндоскопларида, ультрабинафша нурларни кўринадиган нурга айлантиришда, радиоактив зарралар изларини қайд этишда, монохроматик нур ҳосил қилишда, хилма-хил физик майдонларнинг ўта сезгир датчикларини яратишда кенг қўлланяпти.

Агар кўп миқдордаги ёруғлик ўтказгичлардан боғ йиғиб, уни пластмасса қобиққа жойланса, бундай толали — оптик кабель барча бошқа типдаги кабеллардан анчагина ингичка бўлади. Унинг ҳар километри одатдаги кабелдан бир неча ҳисса енгил бўлади. Бинобарин, самолётларда, кемаларда ва ҳоказоларда мис симли кабелларни оптик кабелларга алмаштириш қанчалик иқтисодий самара беришини тасаввур этиш қийин эмас. Масалан, чет эл матбуотининг хабар беришича «БОИНГ-707» самолётининг бортидаги аппаратларда мис кабелларни оптик кабелларга алмаштириш самолёт вазнини 5 тоннага камайтирган. Шунингдек, трансатлантик сувости толали—оптик алоқа линияларининг лойиҳаси ишлаб чиқиляпти.

Республикамизда тола оптикаси сўнгги 4—5 йилда ривожлана бошлади. Бу соҳа ҳали ёш эканига қарамай, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида ва республика олий ўқув юртларида дадил изга тушиб олди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими олимлари республикада ёруғлик ўтказгичлар ва ночизиқ ҳодисаларнинг оптик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича етакчи мутахассислар ҳисобланади. Улар эластик тебранишлар, босимлар, ҳарорат ва бошқа жиҳатларнинг толали—оптик датчикларининг конструкцияларини ишлаб чиқишди.

Ҳозирги замон техникасини қаттиқ, ўта мустаҳкам материалларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай материаллар ниҳоятда хилма-хил шароитларда, жумладан металларни жадал тешиш, тоғ жинсларини бурғилашда, агрессив ёки юқори ҳароратли муҳитда ишлатилиши мумкин. Шу сабабли материаллар сиртқи қатламларининг иш қобилиятини ва чидамлилигини ошириш мақсадида уларнинг физик-химиявий ҳамда механик хоссаларини ўзгартириш технологиясини яратиш масаласи жуда катта аҳамият касб этади. Бу борада айнан лазерларнинг хизмати беқиёсдир.

### ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлимининг олимлари қайта эговланмайдиган пластинкалар, кескич ва пармаларни тоблаш учун мўлжалланган саноат лазерларини синовдан муваффақиятли ўтказишди. Натижада юқоридаги асбобларнинг қаттиқлиги 1,3—2 ҳисса ортди.

Тадқиқотчиларимиз, магнит-гидродинамик генераторлар каналида қўлланиладиган керамик материалларнинг ишчанлик қобилиятини ошириш бўйича ҳам тажрибалар олиб боришди. Маълумки, керамик материаллар магнит-гидродинамик генераторлар каналида зарраларнинг юқори ҳароратли оқими таъсирида емирилиб кетади. Керамик материаллар иш қобилиятининг паст бўлишига асосий сабаб эрозия туфайли магнит-гидродинамик генератор каналидаги электрод ва изоляция элементлари сиртининг сийқаланишидир, бунинг натижасида канал аста-секин ишдан чиқа бошлайди. Генератор каналидаги керамик элементларнинг юпқагина сиртқи қатламини лазер нури ёрдамида эритиш, орқали эса унинг ички кавакчалари билан боғлиқ бўлган сиртқи кавакчалар тўрини беркитиш ва эрозия жараёнини анчагина камайтириш мумкин. Натижада агрессив муҳит таъсирида материал элементларининг ичдан емирилишига барҳам берилади.

Ярим ўтказгичли асбоблар ҳосил қилишда хомашё сифатида ишлатиладиган кремнийга лазер нури таъсирини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Юқори ҳароратли печларда ишлов бериш билан импульсли лазер нурлари таъсири ёрдамида ишлов бериш бир-бирига солиштирилганида, иккинчи усулнинг ижобий томонлари равшанлашади: биринчидан, жараённинг жуда қисқа вақт ичида кечиши, иккинчидан, кремний зарарланган юзасининг тўлиқ аслига қайтиши, учинчидан, киритилган модданинг электр актив атомлари концентрацияси бошқа усуллардагига қараганда юқори бўлади ва ҳоказо. Булар ўз навбатида керакли параметрларга эга бўлган асбоблар ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келади. Айнан шундай ижобий натижалар келажакда юқори ҳароратли печларда ўтказиладиган барча технологик босқичларни битта лазер технологияси билан алмаштириш имконини ҳам беради.

**М. ҚОРАБОЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлимининг раҳбари, физика-математика фанлари кандидати.**

